

**МУСИҚИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ
АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚЛИКДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Шоназаров Зафар Умирзокович***Халқаро инновацион университети “Педагогика”
кафедраси ўқитувчиси*Email: z.shonazarov1976@mail.ru**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ В
СВЯЗИ С ПРАКТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ
ПО ПОЛУЧЕНИЮ МУЗЫКАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ****Шоназаров Зафар Умирзокович***преподаватель, кафедра «Педагогика» Международного инновационного
университета, Узбекистан, г. Кариши*

АННОТАЦИЯ: Мақолада мусиқа дарсларини ташиқил этишида педагогик принципларга амал қилиш ва ёшларда мусиқий фаолиятлар жараёнида бадиий-ижодкорлик ҳис-туйғуларини ривожлантириши омиллари баён этилган.

Шунингдек, мусиқий машғулотларда назарий билимларни амалий фаолият билан боғлиқ ҳолда ташиқил этишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

АННОТАЦИЯ: В статье описаны факторы следования педагогическим принципам при организации уроков музыки и развития художественно-творческих чувств у молодежи во время музыкальной деятельности. Также выделены особенности организации теоретических знаний в связи с практической деятельностью на уроках музыки.

Калим сўзлар: мусиқа, тарбия жараёни, машғулот, қонуният, мусиқий қобилият, мусиқа таълими, дарс, санъат, мусиқий маданият, назария, амалий фаолият, мусиқий асар, мусиқий билим.

Ключевые слова: музыка, образовательный процесс, обучение, право, музыкальные способности, музыкальное образование, урок, искусство, музыкальная культура, теория, практическая деятельность, музыкальная работа, музыкальные знания.

Мусиқа ёш авлоднинг маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллий ғурур, ватанпарварлик, нафосат ва иждоқкорлик тарбиясини амалга оширишга, дунёқарабини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни ўстиришга хизмат қилади. Шунингдек, мусиқий билим ва санъатни эгаллаган ёш авлод руҳиятида мусиқий саводхонлик, эстетик дунёқараш, мусиқа идроки, иждоий ва мусиқий қобилиятларини ривожланганлигини бевосита кўриш ва англаш мумкин. Бундай билимларга эга бўлган бола руҳияти ва фаолиятига назар солар эканмиз, унинг онги,

тафаккури, хотираси, тасаввури кенг, санъат соҳасидаги кенг билимларга эгалик, муסיкий қобилиятнинг намоён бўлишини тўлақонли англаш мумкин.

Умумтаълим мактабларида муסיқа таълими аниқ ишлаб чиқилган тизим асосида олиб борилиши замирида муסיқа машғулоти орқали муסיкий маданиятни шакллантиришда ўқувчининг муסיкий билимлари – муסיқани идрок ва ижро этиш учун лозим бўлган тасаввур, билим, малака ва кўникмага эгаллиги, санъат ва ҳаётга ҳиссий муносабати, ривожланган муסיкий-эстетик диди, муסיкий саводхонлиги аста секин шаклланиб боради. Ҳар бир “Муסיқа маданияти” дарси ўқитувчиси ўқувчиларда муסיқа маданиятини шакллантириш мақсадида бир қатор вазифаларни, яъни муסיкий таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаб олиб бориши, ўқувчиларнинг муסיқа санъатига меҳр, қизиқишларини ўстириши, уларда муסיкий-бадий дидни ва муסיқа фаолиятларига эҳтиёжини ривожлантириши, иқтидорли ўқувчиларнинг муסיкий ривожланишлари учун шароит яратиб бериш ва уларнинг бадий эҳтиёжини қондириш билан бирга бадий-ижодкорлик ҳис-туйғуларини ривожлантириш ҳамда муסיкий асарларнинг бадий-ғоявий мазмуни воситасида ўқувчиларда ахлокий-эстетик қарашларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир [1].

Муסיқа дарси – мактабда муסיқа ўқитишни ташкил этишнинг асосий шаклидир. Мактабда муסיкий тўғараклар, ташкил этилган факультатив машғулоти ва муסיқа дарслари бир қатор хусусиятларига кўра бошқа фанлардан фарқ қилади. Таълим муассасаларидаги муסיқа дарслари бошқа мактаб фанларидан ўзининг бадийлиги, болаларда эмоционал туйғу ва кечинмалар уйғотиши билан ажралиб туради. Муסיқа айниқса, болаларнинг ақлий ва ахлокий ривожига катта ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, ёшларда ижобий ҳис-туйғулар ва ақлий фаолиятини ўстиради. Физиологларнинг айтишича, бола ақлий ривожининг калити унинг ҳиссиёти соҳасида туради.

Муסיқа машғулоти болаларнинг бадий қобилиятларини ривожлантириб, уларда ижодий куч, тасаввур, фантазияни уйғотади. Шунинг учун ёшларда муסיкий саводхонлик, муסיкий маданият ва ижобий ҳис-туйғулар, бадий ижодий тасаввурларни шакллантиришда муסיқа маданияти машғулоти педагогиканинг дидактик қонуниятлари асосида ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонуниятлар муסיқа раҳбари ҳамда бола томонидан бажариладиган барча таълим асослари-машғулоти мазмунининг методлари ва машғулотларнинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг йўналишларини белгилаб беради. Мазкур қонуниятлар асосан, ўқув материалларини қўллаш, муסיқа машғулоти (дарслари) мазмуни ва режасини тузиш жараёнини тўғри олиб боришини англатади.

Муסיқа дарсларида муסיкий билимларни ўзлаштириш мукамал ўйланган ва асосланган тизим бўйича ўтилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Бериладиган билимлар соддадан мураккабга қараб йўналтирилган бўлмоғи даркор. Ушбу жараённинг бузилиши болаларнинг ўқув материални ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг муסיқа маданияти машғулоти (дарс)ларига бўлган қизиқишларини сўндиради. Муסיкий билимларни тушунтиришда муסיқа раҳбари

(ўқитувчиси), аввало, ўтилган мавзуларга таянмоғи ва янги мавзунини пухта режалаштирилган ҳолда тизимли, изчилликда олиб бориши лозим. Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бериладиган билимлар аниқ тизимга солинган бўлмоғи керак. Янги тушунча ва билимлар аввал ўзлаштирилган билимларга асосланган бўлиши, аста-секин кенгайтирилиб ва чуқурлаштириб борилиши мавзунини ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилишини таъминлайди [2].

Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи шахсини шакллантиришнинг мазмунини ва методикасини, шакл ва усуллари, бир сўз билан айтганда унинг педагогик тизимини яратиш - мусиқий фанларни ўқишда ва болаларда мусиқий саводхонлик, мусиқий маданиятни шакллантиришда ўқитувчининг асосий эътибори дарсни тўғри ташкил этиш ва таълим самарадорлигини таъминлашга қаратилади. Бу жараёнда мусиқа санъатининг воситалари орқали шахсни шакллантиришнинг умумий педагогик принципларига амал қилиш дарсининг сифатли ташкил этилишини кўзлайди. Бундан ташқари мусиқа дарсларининг қизиқарли ўтказилиши асосан махсус хоналарда олиб борилиши, яъни мусиқа чолғулари билан таъминланганлик ҳолатига боғлиқдир. Айниқса, замонавий мусиқа дарсини махсус жиҳозларсиз тасаввур этиш қийин. Мусиқа хонасининг эстетик безатилиши турлича бўлиши мумкин, аммо у санъат дарси муҳитини юзага келтириши лозим. Дарсга турли чолғулар, аудио ва видео техникалари, болалар чолғулари, композиторлар портретлари, фонохрестоматиялар, рангтасвир асарлари репродукциялари нота жадваллари талаб этилади. Бу воситалар ўқувчиларга турли мусиқий асарларни бир неча ижрода кўрсатиш, уларнинг мусиқа чолғулари тембр хусусиятларини ўрганишларида, мусиқа асарларини тўлақонли идрок этишларида, уларда ижрочилик ва ижодкорлик қобилиятларини ўстиришда (ўқувчилар ижроси ва мусиқий ижодкорлик элементларини магнитофонга ёзиш ва эшитириш), катта имконият ҳосил қилади [3]. Шунингдек, таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги қоидаларига мос келиши билан характерланади ва машғулотнинг мазмунли бўлишини таъминлайди.

Мусиқий билимларни ўзлаштиришда назарий билимларни амалий фаолият билан боғлаган ҳолда машғулотлар ўқиши, ўзлаштириш самарадорлигини оширади. Масалан, машғулотларларда амалий машқлар жараёнида мусиқий асарга хос ритмик ҳаракатлар бажарилади (ракс элементлари). Болалар мусиқа чолғу асбобларида мусиқага жўр бўлиши, кўйланадиган ёки тингланадиган асарнинг яратилиш тарихи, ўша даврнинг хусусиятлари, яратувчилари ҳақида маълумот беради. Мусиқий билимларни ўзлаштириш билан бирга, ўзлаштирилган билимларнинг бошқа фаолиятлар билан узвийлигини таъминлаш ҳам зарур. Умуман, юқорида қайд этилган принциплар мусиқий билимларни ўзлаштиришда, болаларнинг шахсий хусусиятларини шакллантириш ва уни амалиётга жорий қилиш учун методик шароитларни ишлаб чиқишда асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, машғулотлар жараёнида ёшларнинг мусиқий саводхонлиги ва мусиқий маданиятни шакллантиришда педагогиканинг умумдидактик

принципларига тўғри амал қилиш таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширади, шунингдек мусикий билимларни ҳаёт билан боғлашда, эстетик тасаввурларини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Бунинг учун педагогик фаолиятда дарсга тайёргарлик кўриш, уни ўтказишда мусиқа ўқитувчисидан ижодий ёндошув, касбий билим, тажриба ва маҳорат талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР/СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Каримова Д.А. Мусикий педагогик маҳорат асослари –Т.: Молия иқтисод, 2008. – 116 б.
2. Хўжаева М. Умумтаълим мактабларида мусиқа ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон давлат консерваторияси Таҳрир-нашриёт бўлими, 2008. - 110 б.
3. Шоназаров З.У. Ёшлар тарбиясида мусиқа маданияти, санъат ва эстетик тарбияларнинг уйғунлиги. INTERNATIONAL JOURNAL OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE. Volume 04, Issue 09, 2024, 508-510 бетлар.